**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG'I**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танловини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3216-сон ҳамда “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарорларига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги Академияси (кейинги ўринларда – Академия), Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети (кейинги ўринларда – Университет) ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига 2023/2024 ўқув йилида муносиб номзодларни танлаш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини белгиланган талаблар асосида расмийлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида, **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Академия, Университет ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танлови ташкил этилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Вазирлик ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 1-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида Академия бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 2-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида Академия бакалавриати кундузги таълим шаклининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” ва “Тезкор-қидирув фаолияти” таълим йўналишларига, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 3-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида Университет бакалавриати кундузги таълим шаклига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 4-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида Университет бакалавриати сиртқи таълим шакли ҳамда магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Ички ишлар вазирлигининг 6-иловада келтирилган буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (У.К. Нуруллаев):

жойларда дастлабки танлов тадбирларининг сифатли ташкил этилиши ва ўтказилишини алоҳида назоратга олсин;

№ 14 от. 04.04.23

№51

ўн кун муддатда психологик тест саволлари ва жавоблари, жавоблар бланкларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳудудий ички ишлар органлари ишчи гуруҳларига юборилишини таъминласин;

Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари томонидан дастлабки танлов тадбирлари амалга оширилиши ва танланган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари белгиланган муддатларда юборилишини назорат қилсин;

жойларга чиққан холда ишчи гурухларга амалий ёрдам кўрсатиб, уларнинг фаолиятини назорат қилиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига белгиланган муддатларда Академияга ўқишга қабул қилишда имтиёзга эга бўлган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсин;

белгиланган талабларга зид равишда номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари расмийлаштирилганлиги ва юборилганлиги, шунингдек асоссиз равишда уларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ҳолатлар аниқланганда хизмат текшируви ўтказилиб, айбдор ходимлар ва уларнинг бевосита раҳбарларига нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллаш юзасидан таклифлар киритсин.

3. Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари:

ўн кун муддатда 2023/2024 ўқув йили учун Академия, Университет ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига номзодларнинг дастлабки танловини ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича тегишли буйруқ билан ишчи гурухлари ташкил этиб, буйруқ нусхасини маълумот учун Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига тақдим қилсин;

Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларида ташкил этиладиган ишчи гурухлар таркибига ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи раислигида, кадрларни тайёрлаш гуруҳлари, шахсий хавфсизлик ва юридик таъминлаш бўлинмалари бошлиқлари, академик лицейлар директорлари, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг кадрлар билан ишлаш бўйича ходимлари, ҳарбий-тиббий комиссия раиси, ички ишлар органларининг психолог ходимларини киритсин;

ҳарбий-тиббий комиссияларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаши учун зарур шароитлар яратсин;

ишчи гурухлар томонидан номзодлар танлови ташкил этилиши, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилиши ҳамда таълим муассасаларига белгиланган муддатларда юборилишини доимий равишда назорат қилсин.

4. Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари ишчи гуруҳлари:

Академия, Университет ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга кириш учун номзодларнинг дастлабки танловини ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш тадбирларини ташкил этсин;

ички ишлар органлари биноларида ўқув-маслаҳат бурчакларини ташкил этиб, уларни Академия, Университет ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари ҳаёти,

номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи кўргазмали ташвиқот материаллари билан жиҳозласин;

ўрта, ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасалари, шунингдек, Вазирлик академик лицейлари ва ҳарбий академик лицейлар ҳамда ҳарбий қисмларда тарғибот тадбирлари ўтказиб, унда ҳар бир ўқувчи ва ҳарбий хизматчиларнинг иштирок этишини таъминласин ҳамда уларга ўқитиладиган таълим йўналишларини онгли равишда танлаши учун ёрдам берсин;

Академияга номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 декабрдаги 958-сон қарорига мувофиқ, Университетга номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 августдаги 500-сон қарорига мувофиқ, хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш Ички ишлар вазирнинг 2018 йил 14 январдаги 13-сон буйруғига мувофиқ амалга оширсин;

хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жисмонан соғлом, рус тилида фикрини равон баён этадиган ва ёзадиган номзодларнинг танлаб олинишига алоҳида эътибор қаратсин;

Университетга ҳужжатлари расмийлаштириладиган номзодларга махфий ҳужжатлар билан ишлаш учун рухсатномалар расмийлаштирсин;

мазкур буйрук билан тасдиқланган режа-тақсимотларга мувофиқ ўқишга ажратилган ҳар бир қабул ўрнига, Академия ва Университет бакалавриати кундузги таълим шаклига 5 нафардан кам бўлмаган, Академия магистратурасига 3 нафардан кам бўлмаган, Академия бакалавриати сиртқи таълим шаклига 5 нафардан кўп бўлмаган ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга камида 8 нафар номзоднинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштирсин;

Академия магистратурасига ўқишга ўзининг шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органлари раҳбар ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир, юқори иш кўрсаткичларига эга ва раҳбарлик лавозимлари резервига киритилган офицерлар таркибидаги ходимлар номзод сифатида юборилсин;

номзодларга тегишли имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни уларнинг йиғмажилдларига бириктирсин;

Академия бакалавриати кундузги таълим шаклига ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2023 йил 1 майга қадар 50 фоиз, 20 майга қадар 100 фоиз, магистратурага ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2023 йил 10 июнга қадар 100 фоиз, сиртқи таълим шаклига ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2023 йил 5 июлга қадар 100 фоиз Академияга юборилишини, Университетга ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2023 йил 10 июнга қадар 100 фоиз Университетга юборилишини, хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2023 йил 1 майга қадар 100 фоиз Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига юборилишини таъминласин;

Университет кундузги ва сиртки таълим шаклларига ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодлар Давлат хизматлари марказлари орқали ёки my.gov.uz портали орқали онлайн тарзда ҳужжат топширишларини ташкил этсин;

танланган номзодларнинг зарур ҳужжатлари (паспорт, ҳарбий гувоҳнома ёки ҳарбий хизматга чақирув гувоҳномаси, маълумоти ҳақидаги ҳужжати, ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжатларнинг асли) билан Академия, Университет ҳамда Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига (хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодлар) белгиланган муддатларда етиб келишларини ташкил этсин.

5. Тиббиёт бошқармаси (Ш.Ю. Нишанов) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳудудий ички ишлар органларида махсус ташкил этиладиган тиббий комиссиялар томонидан номзодларни тиббий кўрикдан белгиланган талаблар асосида ўтказиш ҳамда барча танлов жараёнларини карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этишни таъминласин.

6. Ички ишлар вазирлиги Академиясига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш бўйича комиссия (А.И. Икрамов):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 26 февралдаги ПҚ–4212-сон қарорига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органлари амалдаги ходимларининг Ички ишлар вазири тавсияномасига эга бўлган фарзандлари учун Академияга қабул қилишнинг умумий сонидан беш фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3726-сон қарорига мувофиқ, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган, хизматдаги ҳарбий ва илмий фаолиятда маълум бир натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, контракт бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун Академияга қабул қилишнинг умумий сонидан беш фоизли квота, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг хизматдаги ҳарбий хизматчи ва ходимларининг фарзандлари учун икки фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ–4075-сон қарорига мувофиқ, Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғининг тавсияномасига эга бўлган профилактика инспекторларининг жамоат

тартибини саклаш бўйича ёрдамчилари учун кундузги таълим шаклига қабул қилишнинг умумий сонидан бир фоизли квота, профилактика (катта) инспекторлари учун Академия сиртқи таълим шаклига қабул қилишнинг умумий сонидан йигирма беш фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2022 йил 20 июлдаги ПҚ–391-сон қарорига мувофиқ, божхона хизматига салмоқли ҳисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандлари учун Академияга қабул қилишнинг умумий сонидан икки фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Академиянинг кундузги таълим шаклига бошқа фуқаролардан иборат (Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ва ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари, шунингдек, профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини саклаш бўйича ёрдамчилари бўлмаган) номзодлар учун қабул ўринлари умумий квотанинг ўн фоизи миқдорида белгиласин;

Академиянинг кундузги таълим шаклига қизлардан иборат номзодлар учун қабул ўринлари умумий квотанинг ўн фоизи миқдорида белгиласин;

Академия бакалавриати кундузги таълим шаклининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти" ва "Тезкор-қидирув фаолияти" таълим йўналишларига, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш, махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтган, аммо якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларига кўра ўқишга қабул қилинмаган Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари битирувчиларининг аризасига мувофиқ тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ҳудудий ички ишлар органлари учун ажратилган квоталар доирасида амалга оширсин;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари учун тўлов-контракт асосида ажратилган қабул квоталарига номзодлар бўлмаган тақдирда мазкур қабул квоталари бошқа ҳудудий бўлинмаларга тақсимлансин;

Академияда тартиб интизом ва доимий жанговар шайликни юқори даражада таъминлаш ҳамда ўқишга қабул қилинган курсантларни ўқув жараёнига мослаштириш мақсадида карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда алоҳида дастур асосида Академиянинг ўқув полигонида 2023 йилнинг 30 август кунига қадар ҳарбий-дала ўқув йиғинларини ташкил этсин.

7. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш.К. Гиясов) ва Академия (Р.А. Хатамов) ўтказилаётган танлов жараёнлари ҳамда Академиянинг биринчи ўқув курси курсантларининг тантанали равишда ички ишлар органи ходимининг қасамёдини қабул қилиш тадбирлари республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

8. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш Вазирликнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига, умумий назорат Вазир ўринбосари, генерал-майор А.И. Икрамов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**
**генерал-лейтенант** **П.Р. Бобожонов**

Тошк
2023 йил ____ ________,
151 -сон

Ички ишлар вазирининг
2023 йил "23" 03 даги
151 -сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Академия, Университет ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танлови ташкил этилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи**

**ТАРКИБИ**

**Ишчи гуруҳ раиси:**

| | | |
|---|---|---|
| У.К. Нуруллаев | – | Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари, полковник |

**Ишчи гуруҳ аъзолари:**

| | | |
|---|---|---|
| Ф.А. Базаров | – | Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти, Бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник |
| Э.А. Хушвактов | – | Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти катта инспектор-методисти, подполковник |

Изоҳ: Ишчи гуруҳ таркибига Ишчи гуруҳ раиси томонидан бошқа ходимлар ҳам жалб этилиши мумкин.

Ички ишлар вазирининг
2023 йил "23" 03 даги
151-сон буйруғига
2-ИЛОВА

## 2023/2024 ўқув йилида Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриати ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича
## РЕЖА-ТАҚСИМОТ

| Т/р | Ички ишлар органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг номи | Кундузги таълим | Мутахассисликлар | | | | | | | Сиртқи таълим | | | Магистратура | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ТКФ | ҲПФ | ЭКФ | ЖЖКИЭ | ХФТПТ | ТШФ | ПФ | Олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун | Олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун | Жами | II-даража | I-даража |
| 1. | ИИВ Марказий аппарати | | | | | | | | | 13 | | **13** | 2 | |
| 2. | ИИВ ЖИЭД | | | | | | | | | 8 | | **8** | 1 | |
| 3. | ИИВ ҚҚК | | | | | | | | | 6 | | **6** | | |
| 4. | ИИВ ХАХТҚҚ | | | | | | | | | 3 | | **3** | | |
| 5. | ИИВ Академияси | | | | | | | | | 7 | | **7** | 1 | |
| 6. | ҚР ИИВ | **31** | 5 | 16 | 2 | 2 | 3 | 1 | 2 | 8 | 1 | **9** | 2 | 1 |
| 7. | Андижон вилояти ИИБ | **35** | 7 | 18 | 2 | 2 | 3 | 1 | 2 | 8 | 1 | **9** | 2 | |
| 8. | Бухоро вилояти ИИБ | **36** | 5 | 18 | 2 | 4 | 4 | 1 | 2 | 8 | 1 | **9** | 2 | |
| 9. | Жиззах вилояти ИИБ | **26** | 5 | 14 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 6 | 1 | **7** | 1 | |
| 10. | Қашқадарё вилояти ИИБ | **31** | 5 | 14 | 2 | 4 | 3 | 1 | 2 | 7 | 1 | **8** | 2 | |
| 11. | Навоий вилояти ИИБ | **30** | 7 | 12 | 1 | 4 | 3 | 1 | 2 | 6 | 1 | **7** | 1 | |
| 12. | Наманган вилояти ИИБ | **38** | 8 | 18 | 2 | 4 | 2 | 1 | 3 | 10 | 1 | **11** | 2 | |
| 13. | Самарқанд вилояти ИИБ | **38** | 8 | 18 | 2 | 2 | 3 | 2 | 3 | 10 | 1 | **11** | 2 | |
| 14. | Сурхондарё вилояти ИИБ | **24** | 6 | 10 | 1 | 1 | 3 | 1 | 2 | 7 | 1 | **8** | 2 | |
| 15. | Сирдарё вилояти ИИБ | **24** | 5 | 12 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 5 | 1 | **6** | 1 | |
| 16. | Тошкент шаҳар ИИББ | **35** | 12 | 12 | 1 | 2 | 3 | 2 | 3 | 25 | 2 | **27** | 3 | |
| 17. | Тошкент вилояти ИИББ | **46** | 12 | 16 | 2 | 9 | 3 | 1 | 3 | 16 | 2 | **18** | 3 | |
| 18. | Фарғона вилояти ИИБ | **35** | 8 | 18 | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 6 | 1 | **7** | 2 | |
| 19. | Хоразм вилояти ИИБ | **26** | 7 | 12 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 8 | 1 | **9** | 1 | |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 20. | Президент давлат хавфсизлик хизмати | | | | | | | | | 15 | 5 | **20** | | |
| 21 | Мудофаа вазирлиги | | | | | | | | | 2 | | | | |
| 22. | Миллий гвардия | | | | | | | | | 90 | 10 | **100** | | |
| 23. | Давлат божхона қўмитаси | | | | | | | | | 20 | | **20** | | |
| 24. | Давлат хавфсизлик хизмати | | | | | | | | | 23 | | **23** | | |
| 25. | Ички ишлар вазирининг тақдимномасига эга бўлган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг беш фоизи)* | **35***** | 12 | 15 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | 9 | | **9** | | |
| 26. | Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан тақдим этилган тавсиянomaсига эга профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари учун *(умумий квотанинг бир фоизи)* | **7***** | 2 | 5 | | | | | | | | | | |
| 27. | Профилактика (катта) инспекторлари учун *(умумий квотанинг йигирма беш фоизи)* | **74*** | | | | | | | | | 74 | **74** | | |
| 28. | Профилактика (катта) инспекторлари учун *(тавсияномага асосан)* | **16** | | | | | | | | | 16 | **16** | | |
| 29. | Ички ишлар органларининг кинология бўлинмалари ходимлари учун *(умумий квотанинг бир фоизи)* | **3*** | | | | | | | | 2 | 1 | **3** | | |
| 30. | Академиянинг кундузги таълим шаклига номзод қизлар учун *(умумий квотанинг ўн фоизи)* | **70**** | 13 | 35 | 4 | 5 | 5 | 3 | 5 | | | | | |
| 31. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг беш фоизи)* | **35***** | 5 | 22 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | 9 | | **9** | | |
| 32. | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ходимларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | **14***** | 2 | 7 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | | **3** | | |
| 33. | Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тавсияномасига эга бўлган офицер ва сержантларнинг фарзандлари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | **14***** | 2 | 7 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | | **3** | | |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 34. | Бошқа фуқаролар *(умумий квотанинг ўн фоизи)* | 70°°° | 14 | 42 | 5 | 2 | 2 | 2 | 3 | | | | | |
| **ЖАМИ** | | **700** | **150** | **341** | **34** | **50** | **50** | **25** | **50** | **343** | **122** | **465** | **30** | **20** |

Изоҳ: 1. Вазирликнинг ЖИЭД, ККҚ, ХАХТКҚ ва Академиянинг таянч тарқибий тузилмаларидан номзодлар сиртқи таълим шаклига ўқишга кириш учун танловларда ИИВ Марказий аппарати ҳисобидан иштирок этади.

2. ° - Сиртқи таълим шаклига имтиёзли ўқишга қабул қилиш учун тавсиянома ва тақдимономаларга эга бўлган номзодлар ажратилган умумий квота доирасида қабул қилинади. Тавсиянома ва тақдимономалар учун ажратилган қабул квоталарига қабул қилинмаган номзодлар тўплаган баллари билан умумий тартибда танловда иштирок этадилар.

3. °° - Қизлар учун танлов уларга мутахассислик йўналишлари бўйича ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида ўтказилади.

4. °°° - Имтиёзли ўқишга қабул қилиш учун тавсиянома ва тақдимономаларга эга бўлган номзодлар мазкур тоифа танлов натижасига кўра ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида қабул қилинади. Қабул қилинган номзодларни мутахассислик йўналишларига тақсимлаш ўқув-дала машғулотларидан кейин 3 ой ичида амалга оширилади. Фуқаролар ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида қабул қилинади. Қабул қилинган номзодларни мутахассислик йўналишларига тақсимлаш ўқув-дала машғулотларидан кейин 3 ой ичида амалга оширилади. Фуқаролар учун белгиланган қабул ўринларининг 10 фоизи (7 та) қизлар учун ажратилади.

6. Вазирлик таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари II-даражали магистратурага ўқишга кириш учун ИИВ Академияси учун ажратилган қабул квоталари доирасида танловда иштирок этади.

7. I-даражали магистратурага ўқишга қабул қилиш учун танлов республика миқёсида, Қорақалпоғистон Республикаси учун ажратилган қабул квотаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилади.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING
BUYRUG‘I**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетига ўқишга қабул қилиш квоталарини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 июндаги Ф–28м-сон фармойиши ижросини таъминлаш ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетига жисмонан ва маънан етук, билимли, ватанпарвар ҳамда интеллектуал салоҳиятли ёшларни ўқишга қабул қилиш мақсадида, буюраман:

1. Қуйидагилар:

2024/2025 ўқув йилида Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 1-иловага мувофиқ;

2024/2025 ўқув йилида Жамоат хавфсизлиги университети бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 2-иловага мувофиқ;

2024/2025 ўқув йилида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриати (кундузги таълим шакли) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 3-иловага мувофиқ;

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (У. Нуруллаев), Академия (Р. Хатамов) ва Малака ошириш институти (О. Ахмедов) ички ишлар органларининг эҳтиёжи ҳамда ажратилган қабул квоталарининг қайта тақсимланганлигидан келиб чиқиб, Академия ва Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетига ўқишга қабул қилиш учун қайта тақсимланган қабул квоталарини номзодлар эътиборига етказсин.

3. Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танловини ташкил этиш тўғрисида” 2024 йил 12 февралдаги 73-сон буйруғининг 2, 3, 4, 5-иловалари ва “Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танловини ташкил этиш тўғрисида” 2024 йил 27 майдаги 272-сон буйруғининг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

№47 от 12.07.24.

4. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш вазирликнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига, умумий назорат Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Д. Назармухамедов зиммасига юклансин.

**Вазир**
**генерал-лейтенант** **П.Р. Бобожонов**

Тошкент шаҳри,
2024 йил "2" июль,
359-сон

Ички ишлар вазирининг
2024 йил "2" июл даги
359-сон буйруғига
1-илова

## 2024/2025 ўқув йилида Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриати ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича РЕЖА-ТАҚСИМОТ

| Т/р | Ички ишлар органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг номи | Кундузги таълим | *Мутахассисликлар* | | | | | | | Сиртқи таълим | | | Магистратура | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ТҚФ | ҲПФ | ЭКФ | ЖИЭФ | ХФТПТ | ТШФ | ПФ | Олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун | Олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун | ЖАМИ | I даража | II даража | Илмий-педагогик фаолият | ЖАМИ |
| 1. | ИИВ Марказий аппарати | | | | | | | | | 8 | 1 | **9** | 10 | 3 | 4 | **17** |
| 2. | ИИВ ЖИЭД | | | | | | | | | 5 | | **5** | | | | |
| 3. | ИИВ ҚҚҚ | | | | | | | | | 4 | | **4** | | | | |
| 4. | ИИВ Академияси | | | | | | | | | 4 | | **4** | | | | |
| 5. | ҚР ИИВ | **29** | 8 | 13 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 5 | 1 | **6** | | 2 | | **2** |
| 6. | Андижон вилояти ИИБ | **30** | 8 | 15 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 5 | 1 | **6** | | 2 | | **2** |
| 7. | Бухоро вилояти ИИБ | **27** | 7 | 11 | 1 | 3 | 2 | 2 | 1 | 5 | 1 | **6** | | 2 | | **2** |
| 8. | Жиззах вилояти ИИБ | **27** | 6 | 13 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | 5 | 1 | **6** | | 2 | | **2** |
| 9. | Қашқадарё вилояти ИИБ | **32** | 7 | 14 | 1 | 6 | 2 | 1 | 1 | 5 | 1 | **6** | | 3 | | **3** |
| 10. | Навоий вилояти ИИБ | **28** | 8 | 9 | 2 | 3 | 2 | 2 | 2 | 5 | 1 | **6** | | 2 | | **2** |
| 11. | Наманган вилояти ИИБ | **30** | 7 | 17 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 5 | 1 | **6** | | 3 | | **3** |
| 12. | Самарқанд вилояти ИИБ | **34** | 9 | 15 | 2 | 3 | 2 | 1 | 2 | 6 | 1 | **7** | | 3 | | **3** |
| 13. | Сирдарё вилояти ИИБ | **24** | 6 | 11 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 5 | 1 | **6** | | 2 | | **2** |
| 14. | Сурхондарё вилояти ИИБ | **31** | 8 | 16 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | 5 | 1 | **6** | | 2 | | **2** |
| 15. | Тошкент шаҳар ИИББ | **35** | 12 | 16 | 2 | | 1 | 2 | 2 | 7 | 1 | **8** | | 3 | | **3** |
| 16. | Тошкент вилояти ИИББ | **37** | 9 | 18 | 1 | 4 | 1 | 1 | 3 | 7 | 1 | **8** | | 3 | | **3** |
| 17. | Фарғона вилояти ИИБ | **32** | 9 | 16 | 2 | 1 | 1 | 1 | 2 | 5 | 1 | **1** | | 3 | | **3** |
| 18. | Хоразм вилояти ИИБ | **31** | 9 | 13 | 2 | 1 | 2 | 2 | 2 | 6 | 1 | **7** | | 5 | | **5** |

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 19. | Президент давлат хавфсизлик хизмати | | | | | | | | | 7 | 3 | **10** | | | | |
| 20. | Миллий гвардия | | | | | | | | | 17 | 3 | **20** | | | | |
| 21. | Ички ишлар вазирининг тақдимномасига эга бўлган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг беш фоизи)* | **35****** | 15 | 15 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 6 | | **6*** | | | | |
| 22. | Жамоат хавфсизлиги департаменти томонидан тақдим этилган тавсияномага эга “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари аъзолари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | **14****** | 3 | 6 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | |
| 23. | Жамоат хавфсизлиги департаменти томонидан тақдим этилган тавсияномага эга профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари учун *(умумий квотанинг бир фоизи)* | **7****** | 2 | 5 | | | | | | | | | | | | |
| 24. | Профилактика (катта) инспекторлари учун *(умумий квотанинг йигирма беш фоизи)* | | | | | | | | | | 50 | **50*** | | | | |
| 25. | Профилактика (катта) инспекторлари учун *(тавсияномага асосан)* | | | | | | | | | | 16 | **16*** | | | | |
| 26. | Ички ишлар органларининг кинология бўлинмалари ходимлари учун *(умумий квотанинг бир фоизи)* | | | | | | | | | 1 | 1 | **2*** | | | | |

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 27. | Академиянинг кундузги таълим шаклига номзод қизлар учун *(умумий квотанинг ўн фоизи)* | **70**** | 14 | 30 | 2 | 6 | 9 | 4 | 5 | | | | | | | |
| 28. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг беш фоизи)* | **35***** | 7 | 20 | 1 | 3 | 1 | 1 | 2 | 6 | | **6*** | | | | |
| 29. | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ходимларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | **14***** | 2 | 5 | 1 | 3 | 1 | 1 | 1 | 2 | | **2*** | | | | |
| 30. | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг тавсияномасига эга бўлган офицер ва сержантларнинг фарзандлари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | **14***** | 2 | 5 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | | **2*** | | | | |
| 31. | Бошқа фуқаролар *(умумий квотанинг ўн фоизи)* | **70***** | 14 | 40 | 3 | 5 | 2 | 2 | 4 | | | | | | | |
| 32. | Ички ишлар органлари кичик тезкор вакиллари учун *(тавсияномага асосан)* | | | | | | | | | 4 | | **4*** | | | | |
| 33. | Хорижий кадрлар билан ишлаш факультети учун | **14** | | 7 | 7 | | | | | | | | | | | |
| | **ЖАМИ** | **700** | **172** | **330** | **36** | **49** | **37** | **31** | **45** | **142** | **88** | **230** | **10** | **40** | **4** | **54** |

**Изоҳ:** 1. Вазирликнинг ЖИЭД, ҚҚҚ ва Академиядан ташқари таркибий тузилмаларидан номзодлар сиртқи таълим шаклига ўқишга кириш учун танловларда ИИВ Марказий аппарати ҳисобидан иштирок этади.

2. * - Сиртқи таълим шаклига имтиёзли ўқишга қабул қилиш учун тавсияномаларга эга бўлган номзодлар ажратилган умумий квота доирасида кабул қилинади. Тавсияномалар учун ажратилган қабул квоталарига қабул қилинмаган номзодлар тўплаган баллари билан умумий тартибда танловда иштирок этадилар.

3. ** - Қизлар учун танлов уларга мутахассислик йўналишлари бўйича ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида ўтказилади.

4. *** - Имтиёзли ўқишга қабул қилиш учун тавсияномага эга бўлган номзодлар махсус касбий танлов, "Тўмарис издошлари" жамоавий гуруҳлари аъзолари дастлабки ва махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтганидан сўнг махсус касбий танлов натижасига кўра ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида қабул қилинади. Қабул қилинган номзодларни мутахассислик йўналишларига тақсимлаш ўқув-дала машғулотларидан кейин 3 ой ичида амалга оширилади. Фуқаролар ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида қабул қилинади. Қабул қилинган номзодларни мутахассислик йўналишларига тақсимлаш ўқув-дала машғулотларидан кейин 3 ой ичида амалга оширилади. Фуқаролар учун белгиланган қабул ўринларининг 10 фоизи (7 та) қизлар учун ажратилади.

5. "Жазони ижро этиш фаолияти" таълим йўналишига ўқишга қабул қилинган курсантлар ўқишни тамомлаганларидан сўнг Жазони ижро этиш департаменти ихтиёрига юборилади.

6. I даражали магистратурага ва "илмий-педагогик фаолият" мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш учун танлов республика миқёсида ўтказилади.

Ички ишлар вазирининг
2024 йил "2" июл даги
359 -сон буйруғига
2-илова

**2024/2025 ўқув йилида Жамоат хавфсизлиги университети бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича**

**РЕЖА-ТАҚСИМОТ**

| Т/р | Ички ишлар органлари номи | Бакалавриат (кундузги таълим) | | | | Бакалавриат (сиртқи таълим) | | | | | | Магистратура |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш | | | Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш | | | |
| | | ЙПХҚТФ | ППХҚТФ | ПТҲТ | Жами | Олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун | Олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун | Жами | Олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун | Олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун | Жами | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | 1 | 2 | 1 | **4** | | | | | | | |
| 2. | Андижон вилояти ИИБ | 1 | 2 | 1 | **4** | | | | | | | |
| 3. | Бухоро вилояти ИИБ | 2 | 1 | 2 | **5** | | | | | | | |
| 4. | Жиззах вилояти ИИБ | 2 | 1 | 1 | **4** | | | | | | | |
| 5. | Қашқадарё вилояти ИИБ | 2 | 2 | 2 | **6** | | | | | | | |
| 6. | Навоий вилояти ИИБ | 1 | 2 | 2 | **5** | | | | | | | |
| 7. | Наманган вилояти ИИБ | 2 | 1 | 2 | **5** | | | | | | | |
| 8. | Самарқанд вилояти ИИБ | 2 | 2 | 2 | **6** | | | | | | | |
| 9. | Сирдарё вилояти ИИБ | 2 | 1 | 1 | **4** | | | | | | | |
| 10. | Сурхондарё вилояти ИИБ | 1 | 1 | 2 | **4** | | | | | | | |
| 11. | Тошкент шаҳар ИИББ | 3 | 3 | 2 | **8** | | | | | | | |
| 12. | Тошкент вилояти ИИББ | 2 | 2 | 1 | **5** | | | | | | | |
| 13. | Фарғона вилояти ИИБ | 1 | 2 | 2 | **5** | | | | | | | |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | 2 | 1 | 1 | **4** | | | | | | | |
| 15. | Қизлар | 1 | 2 | 3 | **6** | | | | | | | |
| **ЖАМИ** | | **25** | **25** | **25** | **75** | **30** | **10** | **40** | **4** | **1** | **5** | **8** |

Изоҳ: Университет бакалавриатининг сиртқи таълим шакли ҳамда магистратурасига ўқишга қабул қилиш учун танлов республика миқёсида ўтказилади.

Ички ишлар вазирининг
2024 йил "2" Июл даги
359-сон буйруғига
3-илова

**2024/2025 ўқув йилида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриати (кундузги таълим шакли) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича РЕЖА-ТАҚСИМОТ**

| Т/г | Ички ишлар органлари | *Бакалавриат* | | | *Магистратура* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *ўғил* | *қиз* | *Жами* | |
| 1. | ИИВ Марказий аппарати | | | | 1 |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | 7 | 1 | 8 | |
| 3. | Андижон вилояти ИИБ | 7 | 1 | 8 | 1 |
| 4. | Бухоро вилояти ИИБ | 7 | 1 | 8 | 1 |
| 5. | Жиззах вилояти ИИБ | 7 | 1 | 8 | 2 |
| 6. | Қашқадарё вилояти ИИБ | 7 | 1 | 8 | 1 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 6 | 1 | 7 | 1 |
| 8. | Наманган вилояти ИИБ | 7 | 1 | 8 | 1 |
| 9. | Самарқанд вилояти ИИБ | 8 | 1 | 9 | 1 |
| 10. | Сирдарё вилояти ИИБ | 6 | 1 | 7 | 1 |
| 11. | Сурхондарё вилояти ИИБ | 7 | 1 | 8 | 1 |
| 12. | Тошкент шаҳар ИИББ | 14 | 1 | 15 | 2 |
| 13. | Тошкент вилояти ИИББ | 12 | 1 | 13 | 1 |
| 14. | Фарғона вилояти ИИБ | 8 | 1 | 9 | |
| 15. | Хоразм вилояти ИИБ | 7 | 1 | 8 | 1 |
| **Жами** | | **110** | **14** | **124** | **15** |

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2024/2025-ўқув йили учун "тергов фаолияти" мутахассислиги бўйича бакалавриат ҳамда магистратурасига ўқишга қабул қилиш юзасидан Идоралараро қабул комиссиясининг 2024 йил 27 июндаги 2-сонли баёнига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятига ажратилган қабул квотаси Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳрига ўтказилганлиги сабабли Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятидан ҳужжат топширган номзодлар мос равишда Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳар бўйича қабул квоталари доирасида танловда иштирок этади.

Ички ишлар вазирининг
2024 йил "2" июл даги
359-сон буйруғига
4-илова

**Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига ўқишга қабул қилиш бўйича**
**РЕЖА-ТАҚСИМОТ**

| Т/р | Ички ишлар органлари номи | Жами | Мутахассисликлар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ЙПФ | ПТТ | ЖТСФ | ЖИЭФ | МОАОФ |
| 1. | ИИВ Марказий аппарати | **15** | | | | | 15 |
| 2. | ИИВ ЖИЭД | **15** | | | | 15 | |
| 3. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | **2** | 2 | | | | |
| 4. | Андижон вилояти ИИБ | **10** | 3 | 1 | 2 | | 4 |
| 5. | Бухоро вилояти ИИБ | **9** | 5 | 1 | | | 3 |
| 6. | Жиззах вилояти ИИБ | **14** | 4 | 2 | 4 | | 4 |
| 7. | Қашқадарё вилояти ИИБ | **7** | 3 | 1 | 1 | | 2 |
| 8. | Навоий вилояти ИИБ | **9** | 2 | 1 | 3 | | 3 |
| 9. | Наманган вилояти ИИБ | **12** | 2 | 1 | 7 | | 2 |
| 10. | Самарқанд вилояти ИИБ | **11** | 3 | 2 | 2 | | 4 |
| 11. | Сирдарё вилояти ИИБ | **6** | 1 | 1 | 2 | | 2 |
| 12. | Сурхондарё вилояти ИИБ | **11** | 3 | 2 | 3 | | 3 |
| 13. | Тошкент шаҳар ИИББ | **21** | 5 | 7 | 4 | | 5 |
| 14. | Тошкент вилояти ИИББ | **23** | 5 | 2 | 6 | | 10 |
| 15. | Фарғона вилояти ИИБ | **20** | 2 | 2 | 6 | | 10 |
| 16. | Хоразм вилояти ИИБ | **15** | 5 | 2 | 5 | | 3 |
| **ЖАМИ** | | **200** | **45** | **25** | **45** | **15** | **70** |

Тешуирб. маш
жу. 411

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG'I

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танловини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3216-сон ҳамда "Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5076-сон қарорларига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги Академияси (кейинги ўринларда – Академия), Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети (кейинги ўринларда – Университет), Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда – Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси) ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига 2025/2026 ўқув йилида муносиб номзодларни танлаш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини белгиланган талаблар асосида расмийлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида буюраман:

1. Қуйидагилар:

Академия, Университет, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танлови ташкил этилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Вазирлик ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 1-иловага мувофиқ;

2025/2026 ўқув йилида Академия бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 2-иловага мувофиқ;

2025/2026 ўқув йилида Академия бакалавриати кундузги таълим шаклининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти" таълим йўналишига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 3-иловага мувофиқ;

2025/2026 ўқув йилида Университет бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 4-иловага мувофиқ;

2025/2026 ўқув йилида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриати ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича режа-тақсимот 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (У. Нуруллаев):

№ 7
07. 13.02.25

Ни.ю.

жойларда дастлабки танлов тадбирларининг сифатли ташкил этилиши ва ўтказилишини алоҳида назоратга олсин;

ўн кун муддатда, психологик тест саволлари ва жавоблари, жавоблар бланкларини ишлаб чиқиб, уларни ҳудудий ички ишлар органлари ишчи гуруҳларига юборилишини таъминласин;

Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари томонидан дастлабки танлов тадбирлари амалга оширилиши ва танланган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари белгиланган муддатларда юборилишини назорат қилсин;

жойларга чиққан ҳолда ҳудудий ички ишлар органлари ишчи гуруҳларига амалий ёрдам кўрсатиб, уларнинг фаолиятини назорат қилиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига белгиланган муддатларда Академияга ўқишга қабул қилишда имтиёзга эга бўлган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсин;

белгиланган талабларга зид равишда номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари расмийлаштирилганлиги ва юборилганлиги, шунингдек, асоссиз равишда уларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ҳолатлар аниқланганда, хизмат текшируви ўтказилиб, айбдор ходимлар ва уларнинг бевосита раҳбарларига нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллаш юзасидан таклифлар киритсин.

3. Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари:

ўн кун муддатда, 2025/2026 ўқув йили учун Академия, Университет, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига номзодларнинг дастлабки танловини ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича тегишли буйруқ билан ишчи гуруҳлари ташкил этиб, буйруқ нусхасини маълумот учун Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига тақдим қилсин;

Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларида ташкил этиладиган ишчи гуруҳлар таркибига ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи раислигида, шахсий хавфсизлик ва юридик таъминлаш бўлинмалари бошлиқлари, академик лицейлар ва ҳарбий-академик лицей директорлари, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг кадрлар билан ишлаш бўйича ходимлари, ҳарбий-тиббий комиссия раиси, ички ишлар органларининг психолог ходимларини киритсин;

ҳарбий-тиббий комиссияларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаши учун зарур шароитлар яратсин;

ишчи гуруҳлар томонидан номзодлар танлови ташкил этилиши, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилиши ҳамда олий таълим ташкилотларига белгиланган муддатларда юборилишини доимий равишда назорат қилсин.

4. Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари ишчи гуруҳлари:

Академия, Университет, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш учун номзодларнинг дастлабки танловини ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш тадбирларини ташкил этсин;

ички ишлар органлари биноларида ўқув-маслаҳат бурчакларини ташкил этиб, уларни Академия, Университет, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотлари ҳаёти, номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи кўргазмали ташвиқот материаллари билан жиҳозласин;

умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари, шунингдек, Вазирлик академик лицейлари ва ҳарбий академик лицейлар ҳамда ҳарбий қисмларда тарғибот тадбирлари ўтказиб, ўқувчиларга ўқитиладиган таълим йўналишларини онгли равишда танлаши учун ёрдам берсин;

Академия, Университет, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштиришни Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриатининг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 2017 йил 1 декабрдаги 958-сон, "Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2021 йил 6 августдаги 500-сон, "Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорлари ҳамда Ички ишлар вазирининг "Хорижий давлатлар таълим ташкилотларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2018 йил 14 январдаги 13-сон буйруғига мувофиқ амалга оширсин;

хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жисмонан соғлом, чет тилларида фикрини равон баён этадиган ва ёзадиган номзодларнинг танлаб олинишига алоҳида эътибор қаратсин;

Университетга ҳужжатларини топширадиган номзодларга махфий ҳужжатлар билан ишлаш учун рухсатномалар расмийлаштирсин;

мазкур буйруқ билан тасдиқланган режа-тақсимотларга мувофиқ, ўқишга ажратилган ҳар бир қабул ўрнига, Академия ва Университет бакалавриати кундузги таълим шаклига 5 нафардан кам бўлмаган, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриати кундузги таълим шаклига 8 нафардан кам бўлмаган, Академия ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратурасига 3 нафардан кам бўлмаган, Академия бакалавриати сиртқи таълим шаклига 5 нафардан кўп бўлмаган ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга камида 8 нафар номзоднинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштирсин;

Академия магистратураси иккинчи даражадаги "ташкилий-тактик бошқарув", биринчи даражадаги "ташкилий-стратегик бошқарув" мутахассисликларига ўқишга ўзининг шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органлари раҳбар ходимининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир, юқори иш кўрсаткичларига эга ва раҳбарлик лавозимлари резервига киритилган офицерлар таркибидаги ходимлар номзод сифатида юборилсин;

номзодларга тегишли имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни уларнинг йиғмажилдларига бириктирсин;

Академия бакалавриати кундузги таълим шаклига ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2025 йил 1 майга қадар 50 фоиз, 20 майга қадар 100 фоиз, магистратурага ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2025 йил 10 июнга қадар 100 фоиз, сиртқи таълим шаклига ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2025 йил 5 июлга қадар 100 фоиз Академияга юборилишини, Университетга ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2025 йил 10 июнга қадар 100 фоиз Университетга юборилишини, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2025 йил 6 майга қадар 100 фоиз Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига юборилишини, хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш учун расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари 2025 йил 1 майга қадар 100 фоиз Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига юборилишини таъминласин;

Университет кундузги ва сиртқи таълим шаклларига ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодларнинг Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўйхатдан ўтишларини ташкил этсин;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус электрон платформаси орқали онлайн тарзда ҳужжатларни топшириб, рўйхатдан ўтишларини ташкил этсин;

танланган номзодларнинг зарур ҳужжатлари (паспорт ёки ID-карта, ҳарбий гувоҳнома ёки ҳарбий хизматга чақирув гувоҳномаси, маълумоти ҳақидаги ҳужжати, ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжатларнинг асли) билан Академия, Университет, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига (хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодлар) белгиланган муддатларда етиб келишларини ташкил этсин.

5. Тиббиёт бошқармаси (Ш. Нишанов) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳудудий ички ишлар органларида махсус ташкил этиладиган тиббий комиссиялар томонидан номзодларни тиббий кўрикдан белгиланган талаблар асосида ўтказилишини таъминласин.

6. Академияга номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш бўйича комиссия (Д. Назармухамедов):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 февралдаги ПҚ–4212-сон қарорига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органлари амалдаги ходимларининг Ички ишлар вазири тавсияномасига эга бўлган фарзандлари учун Академияга қабул қилишнинг умумий сонидан беш фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбийлари ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-кувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3726-сон қарорига мувофиқ, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган, хизматдаги ҳарбий ва илмий фаолиятда маълум бир натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, контракт бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун Академияга қабул қилишнинг умумий сонидан беш фоизли квота, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг хизматдаги ҳарбий хизматчи ва ходимларининг фарзандлари учун икки фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ–4075-сон қарорига мувофиқ, Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғининг тавсияномасига эга бўлган профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари учун кундузги таълим шаклига қабул қилишнинг умумий сонидан бир фоизли квота, профилактика (катта) инспекторлари учун Академия сиртқи таълим шаклига қабул қилишнинг умумий сонидан йигирма беш фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида" 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ–700-сон қарорига мувофиқ, божхона хизматига салмоқли ҳисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандлари учун Академияга қабул қилишнинг умумий сонидан икки фоизли квота ажратсин ҳамда уларни махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузуридаги "Тўмарис издошлари" жамоавий гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2023 йил 19 январдаги 21-сон қарорига мувофиқ Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғининг тавсияномасига эга бўлган "Тўмарис издошлари" жамоавий гуруҳлари аъзолари учун Академияга қабул қилишнинг умумий сонидан икки фоизли квота ажратсин ҳамда уларни дастлабки ва махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтганидан сўнг махсус касбий танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ўқишга қабул қилсин;

Академиянинг кундузги таълим шаклига бошка фукаролардан иборат (Вазирлик академик лицейлари ва харбий академик лицейлар битирувчилари, ички ишлар органларининг ходимлари ва харбий хизматчилари, шунингдек, профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини саклаш бўйича ёрдамчилари бўлмаган) номзодлар учун кабул ўринларини умумий квотанинг ўн фоизи микдорида белгиласин;

Академиянинг кундузги таълим шаклига кизлардан иборат номзодлар учун кабул ўринларини умумий квотанинг ўн фоизи микдорида белгиласин;

Академия бакалавриати кундузги таълим шаклининг "Хукукбузарликлар профилактикаси фаолияти" таълим йўналишига тўлов-контракт асосида ўкишга кабул килишни махсус касбий танловдан муваффакиятли ўтган, аммо якка тартибдаги якуний сухбат натижаларига кўра ўкишга кабул килинмаган Вазирлик академик лицейлари битирувчиларининг аризасига мувофик тўпланган баллардан келиб чикиб, кетма-кетлик тартибида таксимланган холда худудий ички ишлар органлари учун ажратилган квоталар доирасида амалга оширсин;

Ички ишлар вазирлигининг худудий бўлинмалари учун тўлов-контракт асосида ажратилган кабул квоталарига номзодлар бўлмаган такдирда мазкур кабул квоталари бошка худудий бўлинмаларга таксимлансин;

Академияда тартиб интизом ва доимий жанговар шайликни юкори даражада таъминлаш хамда ўкишга кабул килинган курсантларни ўкув жараёнига мослаштириш максадида алохида дастур асосида Вазирлик ўкув-дала марказида 2025 йил 30 август кунига кадар харбий-дала ўкув йигинларини ташкил этсин;

"Жазони ижро этиш фаолияти" таълим йўналишига ўкишга кабул килинган курсантлар ўкишни тамомлаганларидан сўнг Жазони ижро этиш департаменти ихтиёрига юборилишини таъминласин.

7. Шахсий хавфсизлик бош бошкармаси (Ш. Рафиков) ўтказилаётган танлов жараёнларининг шаффофлигини хамда кабул жараёнларидаги ноконуний харакатлар, шунингдек кабул имтихонлари бўлиб ўтаётган даврда ходимлар томонидан хизмат мажбуриятларига кирмайдиган ишларга аралашмаслигини хамда мазкур жараёнларда коррупцион холатларга йўл кўйилмаслигини таъминласин.

8. Ички ишлар вазирлигининг 6-иловада келтирилган буйруклари ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.

9. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алокалар бошкармаси (Ш. Гиясов) ва Академия (Р. Хатамов) ўтказилаётган танлов жараёнлари хамда Академиянинг биринчи ўкув курси курсантларининг тантанали равишда ички ишлар органи ходимининг касамёдини кабул килиш тадбирлари республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур буйрук ижросини таъминлаш Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва худудий бўлинмалари бошликларига, умумий назорат ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Д. Назармухамедов зиммасига юклансин.

**Вазир**
**генерал-лейтенант** **П. Бобожонов**

Тошкент шахри,
2025 йил "28" январь,
45-сон

Ички ишлар вазирининг
2025 йил "28" январ даги
45 -сон буйруғига
1-илова

**Академия, Университет, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танлови ташкил этилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи**
**ТАРКИБИ**

**Ишчи гуруҳ раиси:**

У. Нуруллаев – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари, полковник

**Ишчи гуруҳ аъзолари:**

А. Раупов – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник

Ш. Мамажонов – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бош инспектор-методисти, подполковник

Н. Сайфуллаев – Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти инспектор-методисти, майор

*Изоҳ:* Ишчи гуруҳ таркибига ишчи гуруҳ раиси томонидан бошқа ходимлар ҳам жалб этилиши мумкин.

Ички ишлар вазирининг
2025 йил "28" январ даги
45 -сон буйруғига
2-илова

**2025/2026 ўқув йилида Академия бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича**

**РЕЖА-ТАҚСИМОТ**

| Т/р | Ички ишлар органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларининг номи | Кундузги таълим | Йўналишлар | | | | | | | | Сиртқи таълим | | | Магистратура | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ТҚФ | ҲПФ | ЭКФ | ЖИЭФ | ХФТ ПТ | ТШФ | РТСЖҚҚФ | ПФ | Олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун | Олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун | Жами | I даража | II даража | Илмий-педагогик фаолият | Жами |
| 1. | ИИВ Марказий аппарати | **10** | | | | | | | 10 | | 9 | 1 | **10** | 10 | 3 | 4 | 17 |
| 2. | ИИВ ЖИЭД | | | | | | | | | | 8 | | **8** | | | | |
| 3. | ИИВ ҚҚҚ | | | | | | | | | | 5 | 1 | **6** | | | | |
| 4. | ҚР ИИВ | **27** | 7 | 15 | | 1 | 1 | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 2 | | **2** |
| 5. | Андижон вилояти ИИБ | **29** | 7 | 16 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 2 | | **2** |
| 6. | Бухоро вилояти ИИБ | **29** | 7 | 16 | 1 | 2 | 1 | 1 | | 1 | 10 | 1 | **11** | | 2 | | **2** |
| 7. | Жиззах вилояти ИИБ | **26** | 7 | 15 | | 1 | | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 2 | | **2** |
| 8. | Қашқадарё вилояти ИИБ | **30** | 7 | 17 | 1 | 3 | 1 | | | 1 | 10 | 1 | **11** | | 3 | | **3** |
| 9. | Навоий вилояти ИИБ | **26** | 7 | 14 | | 3 | | | | 2 | 9 | 1 | **10** | | 2 | | **2** |
| 10. | Наманган вилояти ИИБ | **30** | 8 | 16 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 3 | | **3** |
| 11. | Самарқанд вилояти ИИБ | **32** | 8 | 17 | 1 | 1 | 2 | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 3 | | **3** |
| 12. | Сирдарё вилояти ИИБ | **25** | 7 | 14 | 1 | 1 | | | | 2 | 9 | 1 | **10** | | 2 | | **2** |
| 13. | Сурхондарё вилояти ИИБ | **28** | 7 | 15 | 1 | 2 | | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 2 | | **2** |
| 14. | Тошкент шаҳар ИИББ | **38** | 13 | 20 | | | 1 | 2 | | 2 | 12 | 1 | **13** | | 3 | | **3** |
| 15. | Тошкент вилояти ИИББ | **38** | 11 | 18 | 1 | 3 | 2 | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 3 | | **3** |
| 16. | Фарғона вилояти ИИБ | **31** | 8 | 18 | 1 | 1 | | 1 | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 3 | | **3** |
| 17. | Хоразм вилояти ИИБ | **28** | 9 | 16 | | 1 | | | | 2 | 10 | 1 | **11** | | 5 | | **5** |

| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 18. | Президент давлат хавфсизлик хизмати | | | | | | | | | | 9 | 1 | 10 | | | | |
| 19. | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги | | | | | | | | | | 7 | 3 | 10 | | | | |
| 20. | Мудофаа вазирлиги | | | | | | | | | | 4 | 1 | 5 | | | | |
| 21. | Миллий гвардия | | | | | | | | | | 120 | 30 | 150 | | | | |
| 22. | Ички ишлар вазирининг тақдимномасига эга бўлган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг беш фоизи)* | 35*** | 10 | 18 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1 | 6 | | 6* | | | | |
| 23. | Жамоат хавфсизлиги департаменти томонидан тақдим этилган тавсияномага эга "Тўмарис издошлари" жамоавий гуруҳлари аъзолари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | 14*** | 2 | 7 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | | | | | |
| 24. | Жамоат хавфсизлиги департаменти томонидан тақдим этилган тавсияномага эга профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари учун *(умумий квотанинг бир фоизи)* | 7*** | 1 | 6 | | | | | | | | | | | | | |
| 25. | Профилактика (катта) инспекторлари учун *(умумий квотанинг йигирма беш фоизи)* | | | | | | | | | | | 75 | 75* | | | | |
| 26. | Профилактика (катта) инспекторлари учун *(тавсияномага асосан)* | | | | | | | | | | | 16 | 16* | | | | |

| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 27. | Ички ишлар органларининг кинология бўлинмалари ходимлари учун *(умумий квотанинг бир фоизи)* | | | | | | | | | | 2 | 1 | 3* | | | | |
| 28. | Академиянинг кундузги таълим шаклига номзод қизлар учун *(умумий квотанинг ўн фоизи)* | 70** | 10 | 41 | 2 | 2 | 7 | 4 | | 4 | | | | | | | |
| 29. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг беш фоизи)* | 35*** | 7 | 19 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 10 | | 10* | | | | |
| 30. | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ходимларининг фарзандлари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | 14*** | 2 | 5 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | | 4* | | | | |
| 31. | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг тавсияномасига эга бўлган офицер ва сержантларнинг фарзандлари учун *(умумий квотанинг икки фоизи)* | 14*** | 1 | 7 | 1 | 2 | 1 | 1 | | 1 | 4 | | 4* | | | | |
| 32. | Бошқа фуқаролар *(умумий квотанинг ўн фоизи)* | 70*** | 5 | 35 | 3 | 9 | 2 | 2 | 10 | 4 | | | | | | | |
| 33. | Ички ишлар органлари кичик тезкор вакиллари учун *(тавсияномага асосан)* | | | | | | | | | | 4 | | 4* | | | | |

| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 34. | Хорижий кадрлар билан ишлаш факультети учун | 14 | | 6 | 6 | | 2 | | | | | | | | | | |
| **ЖАМИ** | | **700** | **151** | **371** | **25** | **40** | **26** | **22** | **25** | **40** | **332** | **143** | **475** | **10** | **40** | **4** | **54** |

**Изоҳ:** 1. Вазирликнинг ЖИЭД ва ҚҚҚдан ташқари таркибий тузилмаларидан номзодлар сиртки таълим шаклига ўқишга кириш учун танловларда ИИВ Марказий аппарати ҳисобидан иштирок этади.

2. * Сиртки таълим шаклига имтиёзли ўқишга қабул қилиш учун тавсияномаларга эга бўлган номзодлар ажратилган умумий квота доирасида қабул қилинади. Тавсияномалар учун ажратилган қабул квоталарига қабул қилинмаган номзодлар тўплаган баллари билан умумий тартибда танловда иштирок этадилар.

3. ** Қизлар учун танлов уларга таълим йўналишлари бўйича ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида ўтказилади.

4. *** Имтиёзли ўқишга қабул қилиш учун тавсияномага эга бўлган номзодлар махсус касбий танлов, "Тўмарис издошлари" жамоавий гуруҳлари аъзолари дастлабки ва махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтганидан сўнг махсус касбий танлов натижасига кўра ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида қабул қилинади. Фуқаролар ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида қабул қилинади. Фуқаролар учун белгиланган қабул ўринларининг 10 фоизи (7 та) қизлар учун ажратилади. Қабул қилинган курсантларни таълим йўналишларига тақсимлаш ўқув-дала машғулотларидан кейин 1 ой ичида амалга оширилади.

5. "Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти" йўналишига ҳужжатларини расмийлаштирган номзодлар учун танлов ажратилган квоталар доирасида республика миқёсида амалга оширилади. Бунда имтиёзли асосда (тавсияhома билан) ва фуқаролар орасидан ўқишга қабул қилинган курсантларни "Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти" йўналишига тақсимлаш уларнинг мазкур йўналиш бўйича махсус касбий танлов ва якка тартибдаги якуний суҳбатда тўплаган умумий бали бўйича ажратилган квоталар доирасида амалга оширилади.

6. "Жазони ижро этиш фаолияти" таълим йўналишига ўқишга қабул қилинган курсантлар ўқишни тамомлаганларидан сўнг Жазони ижро этиш департаменти ихтиёрига юборилади.

7. I даражали магистратурага ва "илмий-педагогик фаолият" мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш учун танлов республика миқёсида ўтказилади.

8. Мазкур режа-тақсимотга Бутлаш режаси, шунингдек, таркибий тузилмалар ва ҳудудий бўлинмаларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ички ишлар вазирининг
2025 йил "28" январ даги
45 -сон буйруғига
3-илова

**2025/2026 ўқув йилида Академия бакалавриати кундузги таълим шаклининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти" таълим йўналишига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича**

**РЕЖА-ТАҚСИМОТ**

| Т/р | Ички ишлар органлари | ҲПФ | Жами |
|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | 13 | 13 |
| 2. | Андижон вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 3. | Бухоро вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 4. | Жиззах вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 5. | Қашқадарё вилояти ИИБ | 14 | 14 |
| 6. | Наманган вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 8. | Самарқанд вилояти ИИБ | 14 | 14 |
| 9. | Сирдарё вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 10. | Сурхондарё вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 11. | Тошкент шаҳар ИИББ | 14 | 14 |
| 12. | Тошкент вилояти ИИББ | 14 | 14 |
| 13. | Фарғона вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | 13 | 13 |
| 15. | Қизлар | 14 | 14 |
| **Жами:** | | **200** | **200** |

*Изоҳ:* 1. Махсус касбий танловдан муваффақиятли ўтган, аммо якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларига кўра ўқишга қабул қилинмаган Вазирлик академик лицейлари битирувчиларининг аризасига мувофиқ тўпланган баллардан келиб чиқиб, кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда ҳудудий ички ишлар органлари учун ажратилган квоталар доирасида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

2. Мазкур режа-тақсимотга Бутлаш режаси, шунингдек, таркибий тузилмалар ва ҳудудий бўлинмаларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ички ишлар вазирининг
2025 йил “28” январь даги
45-сон буйруғига
4-илова

**2025/2026 ўқув йилида Университет бакалавриати (кундузги ва сиртқи таълим шакллари) ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича**

## РЕЖА-ТАҚСИМОТ

| Т/р | Ички ишлар органлари номи | Бакалавриат (кундузги таълим) | | | | Бакалавриат (сиртқи таълим) | | | | | | Магистратура |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш | | | Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш | | | |
| | | ЙПХҚТФ | ППХҚТФ | ПТХТ | Жами | Олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун | Олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун | Жами | Олий маълумотга эга бўлмаган ходимлар учун | Олий маълумотга эга бўлган ходимлар учун | Жами | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | 3 | 1 | | **4** | | | | | | | |
| 2. | Андижон вилояти ИИБ | 2 | 1 | 1 | **4** | | | | | | | |
| 3. | Бухоро вилояти ИИБ | 3 | 2 | 2 | **7** | | | | | | | |
| 4. | Жиззах вилояти ИИБ | 2 | 2 | 2 | **6** | | | | | | | |
| 5. | Қашқадарё вилояти ИИБ | 2 | 1 | 1 | **4** | | | | | | | |
| 6. | Навоий вилояти ИИБ | 2 | 2 | 1 | **5** | | | | | | | |
| 7. | Наманган вилояти ИИБ | 3 | 2 | 2 | **7** | | | | | | | |
| 8. | Самарқанд вилояти ИИБ | 3 | 2 | 2 | **7** | | | | | | | |
| 9. | Сирдарё вилояти ИИБ | 2 | 2 | 2 | **6** | | | | | | | |
| 10. | Сурхондарё вилояти ИИБ | 3 | 2 | 2 | **7** | | | | | | | |
| 11. | Тошкент шаҳар ИИББ | 6 | 4 | 3 | **13** | | | | | | | |
| 12. | Тошкент вилояти ИИББ | 5 | 3 | 3 | **11** | | | | | | | |
| 13. | Фарғона вилояти ИИБ | 2 | 2 | 2 | **6** | | | | | | | |
| 14. | Хоразм вилояти ИИБ | 2 | 2 | 2 | **6** | | | | | | | |
| 15. | Қизлар | 2 | 2 | 3 | **7** | | | | | | | |
| **ЖАМИ** | | **42** | **30** | **28** | **100** | **86** | **74** | **160** | **16** | **16** | **32** | **26** |

*Изоҳ:* 1. Университет бакалавриатининг сиртқи таълим шакли ҳамда магистратурасига ўқишга қабул қилиш учун танлов республика миқёсида ўтказилади.

2. Мазкур режа-тақсимотга Бутлаш режаси, шунингдек, таркибий тузилмалар ва ҳудудий бўлинмаларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ички ишлар вазирининг
2025 йил "28" январ даги
45 -сон буйруғига
5-илова

**2025/2026 ўқув йилида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриати ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича**
**РЕЖА-ТАҚСИМОТ**

| Т/р | Ички ишлар органлари | Бакалавриат | | | Магистратура |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *ўғил* | *қиз* | *Жами* | |
| 1. | ИИВ Марказий аппарати | | | | 2 |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ | 5 | 1 | **6** | 1 |
| 3. | Андижон вилояти ИИБ | 8 | 1 | **9** | 1 |
| 4. | Бухоро вилояти ИИБ | 12 | 1 | **13** | 1 |
| 5. | Жиззах вилояти ИИБ | 5 | 1 | **6** | 2 |
| 6. | Қашқадарё вилояти ИИБ | 5 | 1 | **6** | 1 |
| 7. | Навоий вилояти ИИБ | 5 | 1 | **6** | 1 |
| 8. | Наманган вилояти ИИБ | 9 | 1 | **10** | 1 |
| 9. | Самарқанд вилояти ИИБ | 7 | 1 | **8** | 1 |
| 10. | Сирдарё вилояти ИИБ | 6 | 1 | **7** | 1 |
| 11. | Сурхондарё вилояти ИИБ | 5 | 1 | **6** | 1 |
| 12. | Тошкент шаҳар ИИББ | 26 | 1 | **27** | 2 |
| 13. | Тошкент вилояти ИИББ | 24 | 1 | **25** | 2 |
| 14. | Фарғона вилояти ИИБ | 14 | 1 | **15** | 1 |
| 15. | Хоразм вилояти ИИБ | 5 | 1 | **6** | 2 |
| **Жами** | | **136** | **14** | **150** | **20** |

*Изоҳ:* Мазкур режа-тақсимотга Бутлаш режаси, шунингдек, таркибий тузилмалар ва ҳудудий бўлинмаларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ички ишлар вазирининг
2025 йил "28" январ даги
45 -сон буйруғига
6-илова

**Ички ишлар вазирлигининг ўз кучини йўқотаётган буйруқлари**

1. Ички ишлар вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар танловини ташкил этиш тўғрисида" 2024 йил 12 февралдаги 73-сон буйруғи.

2. Ички ишлар вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Малака ошириш институти касбий тайёргарлик факультетига ўқишга қабул қилиш квоталарини тасдиқлаш тўғрисида" 2024 йил 2 июлдаги 359-сон буйруғи.

3. Ички ишлар вазирининг "Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриати ва магистратураси таълим шаклига 2024/2025 ўқув йилида қабул квотасини тасдиқлаш тўғрисида" 2024 йил 10 июлдаги 380-сон буйруғи.

4. Ички ишлар вазирининг "Ички ишлар вазирлиги Академияси сиртқи таълим шаклига 2024/2025 ўқув йилида қабул квотасини қайта тақсимлаш тўғрисида" 2024 йил 5 августдаги 421-сон буйруғи.

5. Ички ишлар вазирининг "2024/2025 ўқув йили учун Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриатининг сиртқи таълим шаклига ўқишга қўшимча қабул квотасини тасдиқлаш тўғрисида" 2024 йил 16 августдаги 446-сон буйруғи.